

# **ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИГА ХОСЛАНГАН ФРАЗЕОЛОГИК МАДАНИЙ БИРЛИКЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

**Доцент Б.Файзуллаев ЖДПИ,  
Катта ўқитувчи Д.Файзуллаев ЖДПИ,  
Таджибаева Б. 6-мактаб ўқитувчиси**

## **Аннотация**

Ушбу мақолада халқ достонлари тилига хосланган фразеологик маданий бирликлар тўғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар: фразеологик, бирлик, тил, достон, Холдорхон, Алпомиш, Жуманбулбул.

## **Аннотации**

В данной статье представлены сведения о фразеологических и культурных единицах, характеризующих язык народных сказок.

Ключевые слова: фразеологизм, единство, язык, эпос, Холдорхон, Алпомиш, Джуманбулбул.

## **Annotation**

This article provides information on the phraseological and cultural units that characterize the language of folk tales.

Keywords: phraseological, unity, language, epic, Kholdorkhon, Alpomish, Jumanbulbul.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тили ўзининг луғат бойлигининг бепоёнлиги билан бошқа жанрлардаги асарлардан кескин фарқланиб туради. Чунки халқ достонлари учун тилда таъқиқланган ҳодиса мавжуд эмас. Шундай экан, айниқса, халқ достонлари тилида аждодларимиз томонидан яратилган тил кўринишларини лингвистик таҳлилга тортиш маълум хулосалар чиқаришга имкон яратиши мумкин.

Биз ушбу ишимизда Эргаш Жуманбулбул ижодига мансуб бўлган “Холдорхон” достони тилига хосланган фразеологик маданий бирликлар юзасидан баъзи мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Достон тилида учрайдиган фразеологик бирликлар семантик-стилистик табиатига кўра ранг-баранг бўлиб, улар достон тилига услубий хосланганлиги билан индивидуал хусусиятларга эгадир. Мазкур ишда уларнинг айрим лексик-семантик, фразеологик хусусиятлари юзасидан фикр юритишни мақсад қилдик.

Маълумки, ҳар қандай фраза тилимизда тайёр ҳолда учраши билан бошқа тил бирликларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Демак, сўзларга хос хусусиятлар фразаларга, шунингдек, барча типдаги фразеологик бирликлар табиатига ҳам хосдир. Шунинг учун улар ҳам тил, ҳам нутқ ходисаси ҳисобланади. Мана шу каби хусусиятларни ўрганиш ҳам ўзбек фразеологиясида ўз тарихига эга. Ўзбек фразеологиясининг ўрганилишида Ш.Раҳматуллаев, И.Кўчқортоев, Х.Дониёров, А.Шомақсудов, Э.Умаров, А.Маматов, Б.Йўлдошов каби қатор олимларимизнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Фразеология тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида тўлиқ шаклланди ва катта ютуқларга эришди. Ушбу тадқиқотларда фразеологик бирликларнинг таркиби, семантик, грамматик ва услубий хусусиятлари илмий тадқиқ қилинган.

Ўзбек тилшунослигида бадиий матн тилидаги фразеологик бирликлар юзасидан қатор ишлар қилинган. Жумладан, “Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик нававторлиги” (И.Кўчқортоев), “Ойдин прозасида фразеологизмлар (М.Хусунов), “Абдулла Қодирий асарларида фразеологизмлар (Х.Қаҳорова) каби қатор ишлар ҳам синхроник, ҳам диахроник планда амалга оширилган. Ўзбек халқ достонлари тилида учрайдиган ҒБ лар табиатига кўра адабий тилдагидекми ёки улар ўзларига хос айро хусусиятларга эгами? Бу ҳақдаги илк фикрлар ўзбек лингвофолклористикасининг вакили Салоҳиддин Турсуновнинг “Алпомиш” достонининг лексик хусусиятлари” мавзусидаги (1990) номзодлик диссертациясида тилга олинган. Бизнинг кузатишларимизча бир неча ўзбек халқ достонлари тилида ёхуд бир бахши куйлаган бир неча достонлардагини

учрайдиган, дostonлар тилига хосланган ҒБлар табиати, функцияси хусусида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек халқ шоири Ҳ.Олимжон Фозил шоир куйлаган “Алпомиш” дostonини нашрга тайёрлар экан, ундаги луғавий ва фразеологик бирликларнинг ранго-ранг жилосидан хайратланиб, “Алпомиш”да бутун ўзбек тилининг тил бойлиги акс этган” дея тўғри башорат қилгани бежиз айтилмаган экан. Кузатишларимиз натижалари шуни кўрсатадики Фозил шоир, Ислом шоир, Пўлкан шоирлар репертуари дostonларидаги фразеологизмларга нисбатан Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган дostonлар тилида учрайдиган фразеологизмлар табиати, таркиби ва миқдори жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бизнингча шундаки, Эргаш шоир мадраса кўрган, саводхон шоир эди. шу билан барча 5-6 дostonни ўз қўли билан фолклористиканинг жонкуяр асосчиларидан бири Ходи Зарифнинг илтимосига кўра ёзиб топширганидир. Демак, у ёки бу дoston лингвистик аспектда текширилганда, ким? қачон? қа қай даражада? куйланганлиги ҳамда ёзиб олинганлигини ҳисобга олиш ўринлидир. Акс ҳолда тадқиқот саёз ва бир томонлама тавсифланган бўлади.

Биз тадқиқот объекти сифатида ўрганилган “Алпомиш” дostonи тилидаги имумистъемолдаги фразеологизмлар сменатик хусусиятларига кўра инсон ҳаётининг турли жабҳаларига таалуқлидир. Улар асосан, инсон психологияси билан боғлиқ жараёнларни жозибали ва таъсирчан ифодалаш учун хизмат қилади: дoston тилидаги пресонажларнинг хурсандчилиги, қайғу, азоб-укубати каби хусусиятларни ифодалашда ўринли қўлланган. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратсак: “Бейлар иккови шоҳимардон пирнинг равзасига қараб жўнамоқчи бўлиб минди бедов отти, уч кун тинмай йўл тортти (А.6). Бу сўзни эшитиб, бийларнинг жуда вақти хуш бўлиб, тилаганимиз қабул бўлди деб, кўнгли тўлиб, минди бедов отти (А.7). Иккови айтди: “бизлар ҳам бир шоҳлик шавкатини қилсак, овга чиқиб кетсак,

фарзандлар ер юзига келса...”, - деб бу ўйларни ўйлаб овга жўнаб кетди (А.13).

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўринадики, дostonчиларимиз умумистеъмолдаги фразеологизмлардан ўринли ва оқилона фойдаланган, чунки улар ҳар бир сўз ва таъбирни, мақол ва матални яхши билганлар. Ўзбек халқ дostonларининг бадий тилида наинки умумхалқ учун тушунарли ҒБлар, балки оддий, жонли сўзлашув тилига, фақат муайян ҳудудларгагина хос бўлган диалектал<sup>1</sup> ҒБлар ҳам анчагина. Ушбу ҳолат бахшининг яшаш жойи, у оид бўлган шева хусусиятларидан келиб чиққандир.

#### Ўзбек халқ дostonларида диалектал фразеологизмлар.

Анъанавий ўзбек халқ дostonларида ўзбек халқининг асрий турмуш шароитига мос ва хос ҒБлар ўз ифодасини топган. Сўзга чечан халқ бахшилари авлоддан-авлодга мерос қолдирилган дostonларни ўз меҳнати, шижоати ва шуури билан шода марвариддек эъзозлаб безатганлар. Бу эса дostonлар тилининг қайта-қайта ишланишига, силлиқлашига ёрдам берган, албатта. Кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатади-ки, ҳар бир бахшилиқ мактаби вакилларининг дoston куйлаш усули ва анъаналари бўлган.

Ўзбек халқ шоири Ҳамид Олимжон Фозил шоир куйлаган “Алпомиш” дostonини нашрга тайёрлар экан, ундаги луғавий ва фразеологик бирликларнинг ранго-ранг жилосига ҳайратланиб “Алпомиш”да бутун ўзбек тилининг тил бойлиги акс этган” деб ёзгани бежиз эмас эди. Кузатишларимиз шуни кўрсатади-ки. Фозил шоир, ислом шоир, Пўлкан шоирлар репертуаридаги дostonлар тилидаги фразеологизмларга нисбатан Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган дostonлар тилида учрайдиган фразеологизмлар табиати, таркиби ва миқдори жиҳатидан бир-биридан (тубдан) фарқ қилади. Бунинг объектив ва субъектив сабабларидан бири шундаки, Эргаш шоир, мадраса кўрган, соводхон шоир бўлган. Шу сабабли 5-6 дostonни ўз қўли

---

<sup>1</sup> Маълум бир шеваларга хос фраземалар.

билан фольклористикамизнинг жонкуяр асосчиларидан бири проф.Ходи Зарифнинг илтимосига кўра қўлёзма ҳолида ёзиб топширганидир. Демак, у ёки бу дoston лингвистик аспектда ўрганилганда, ким? Қачон? Ким томонидан? Қай даражада? Қуйлангани ва ёзиб олингани муҳим аҳамият касб этади.

Биз тадқиқот объекти қилиб олган “Алпомиш” дostonи тилида қўлланилган, дostonлар тилига хос фразеологик бирликлар юзасидан фикр юритамиз. Улар, асосан, инсон психологияси билан боғлиқ жараёнларни жозибали ва таъсирчан ифодалаш учун хизмат қилган. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратсак:

1).Бейлар иккови Шоҳимардон пирнинг равзасига қараб жўнамоқчи бўлиб минди бедов отти, уч кун тинмай йўл тортди (А.6-бет). 2) Бор, ундай бўлса биз ҳам дунёнинг баҳридан ўтдик, -деп таппа тушиб, равзада турватнинг остида ётди (А.6). Бу сўзни эшитиб, бийларнинг жуда вақти хуш бўлиб, “тилагимиз қабул бўлди”, деб кўнгли тўлиб, минди бедов отти (А.7-бет).

Мисоллардан кўринадики, бахшиларимиз умумистеъмолдаги фразеологизмлардан оқилона ва ўринли фойдалана олганлар, чунки улар ҳар бир сўз ва таъбирни, мақол ва матал мазмунини яхши билганлар.

Ўзбек халқ дostonларининг бадиий тилида наинки умумхалқ учун тушунарли ФБлар, балки оддий, жонли сўзлашув, фақат муайян худудгагина хос бўлган диалектал ФБлар ҳам анчагина. Биз қуйида шундай диалектал ФБлар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Халқ дostonлари тилида учрайдиган диалектал фразеологик бирликлар (ФБ) семантик жиҳатдан ранго-ранг бўлиб асосан тубандагилардир.

#### I.Халқона урф-одатлар билан боғлиқ ФБ:

-бешкирти қилмоқ// бешикка киритмоқ/ солмоқ, яъни ўзганинг боласини бешикка киритишдан мақсад, уларнинг келажак турмушлари ҳам бирга бўлсин деган умидни ифодалашдир: Ана шунда Ҳакимбекка аташтириб, бешкерти қип... (8-бет).

-ника(х) қиймоқ (ўқимоқ): мулланинг ва икки вакилнинг иштирокида никоҳ маросимини ўтказиш. –Домла вакиллардан сўраб, буларнинг ҳам гувоҳлигида бир нима оп, мулла хутбасини ўқиб ника(х) қийип, муллаларнинг сўраган сўзларини вакиллари ҳам қабул қип айтти(160-бет).

-боши бўш (турмушга чиқмаган): ўрами ўрамоқ (белгилаб қўйиш мақсадида рўмол ўратиш тадбири): Қозонда қайнаган ширбоз гўшмиди, шу қизингди агар боши бўшмиди? Келин қип ўрама ўраин (37-бет).

II. Ҳайвонларнинг турли хил характер ва ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ФБлар: тулкини ингатган тозидай (чаққон): Бойбичаларга шундай тўлғоқ вақти жоқин жетти, не кампирлар келиб, байбичани айланиб, тулкини инглатган тозидай бўп, ангип, ўртага оп турипти (7-бет). Бедовлар селданг отти, Чиув-ха, деди, камчи тортти (63-бет). Остидаги бедов отлар, кун-бакун бўйин узатти (63-бет).

III. Инсон ҳаётининг турли томонларига алоқадор бўлган ФБлар. – татил қи(л)моқ (нонушта қилмоқ). –Бу алплар, ... ҳар кунига тўқсон ширбознинг этини таътил қи(л)ғон (31-бет). Бировнинг кўнглини наза қилмоқ (хафа қилмоқ): -Мен биламан Бойсаринин қизисан, Қимиз бермай кўнглим наза қиласан (47-бет).

IV. Ўзбек халқ дostonлари тилига услубий хосланган фразеологик бирликлар.

Ҳозирги кунга қадар ўзбек тилшунослигида, қолаверса, ўзбек иборашунослигида, фольклор асарлари, аниқроғи, муайян фольклор жанрлари тилига хос фразеологизмлар алоҳида илмий объект ёки монографик планда кам ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида айрим мезонлари ҳақида баъзи фикрлар (С.турсунов, Г.Жуманазарова) билдирилган. Масалан, халқимиз орасида кенг тарқалган “Дўст йиғлатиб гапирар, душман кулдириб” мақоли фонида бахишиларимиз асрлар оша уларга ижодий ёндашган ҳолда қуйидаги афористик сатрларни яратганки, натижада афористик сатрлар халқ дostonлари тилига мослашиб, типиклашиб кетган: Қасд айласа, билмаганин билдирар,

Дўст йиғлатиб душманини кулдирад (71-бет).

Бу гуруҳга мансуб ФБлар бевосита сўзга чечан халқ бахшилари томонидан яратилган бўлиб, авторлари ноъмалум, коллектив ижод маҳсули ҳисобланмиш фразеологик бирликлардир. Бундай типдаги ФБларни ўзбек халқ мақолларига таққослаганимизда, уларнинг фарқи ва ўхшаш томонлари импровизатсион даражасини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Қуйидаги қиёсий жадвалга эътибор қаратсак.

№	Ўзбек халқ мақоллари тилига хос	Ўзбек халқ дostonлари тилига хос
1.	Қуш бутоққа сиғинар, Одам ватанга	Қуш бутоққа сиғиндай бўп
2.	Дўст ачитиб гапирар, Душман кулдириб	Дўст йиғлатиб, душманини кулдирад
3.	Бўзчи билганин тўқир, Бахши билганин ўқир. Ёки: Бўзчи билганин тўқир, Мулла билганин ўқир	Усталар ишлатар теша-табарни, Муллалар ўқийди зеру-забарди
4.	Чечаннинг тили Чеварнинг қўли	Чечанлар эплайди гапнинг этини
5.	Ажал етмай чивин ўлмас	Беамир чиқмайди чивиннинг жони
6.	Сабр таги сариқ олтин	Бесабрдан давлат қочар, сабр давлат эшигин очар

Ўзбек халқ дostonлари тилига хосланган фразеологик бирликлар асосан қуйидаги тематик гуруҳларни ўз ичига олади: қаҳрамонлик, ватанпарварлик, сахийлик ва бахиллик, касб ва моҳирлик, мардлик ва дўстлик, сабаб ва оқибат, хушёрлик ва зийраклик, тенглик ва нотенглик каби. Ушбу қатлам бирликлари алоҳида ўрганилади.